

---

## Хотин-қизларга саломатлигини тиклашга ҳам амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда

"Парвоз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дилдорахон Нуриддинова 2019 йилдан буён беморлиги боис "Аёллар дафтари"га киритилди. Дилдорахон Нуриддинова яқинда мия кассаллиги бўйича операция қилинди. Операция ҳаражатлари учун "Аёллар дафтари" жамғармаси маблағларидан 15.5 млн. сўм ажратилди.

Фарғона шаҳар ҳокими ўринбосари Дилшодахон Холматова мазкур хонадонда ҳам бўлиб Дилдорахон Нуриддинова билан суҳбатлашди. Оиланинг ижтимоий ва моддий ҳолати ўрганилди. Суҳбат жараёнида фуқаронинг соғлиғи яхшиланиб, тиббий муолажалар тугагунга қадар доимий назоратда ва алоҳида эътиборда эканлиги таъкидлаб ўтилди.

2023-03-30 13:26:03